

“ТАСДИҚЛАНГАН”
«ALFA LIFE INSURANCE» Акциядорлик
жамияти Ягона акциядорининг 2022 йил
16 мартдаги 1 -сон қарори билан
Ягона акциядор «ALFA INVEST
SUG’URTA KOMPANIYASI»
Бош директори



И.Ю.Ахметова

**«ALFA LIFE INSURANCE» АКЦИЈАДОРЛИК ЖАМИЯТИ
ТАФТИШ КОМИССИЯСИ ТЎҒРИСИДА
НИЗОМ**

Тошкент 2022

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. Мазкур Низом «ALFA LIFE INSURANCE» акциядорлик жамиятининг (матн бўйича «Жамият») тафтиш комиссияси мақоми, ваколатлари ва мажбуриятлари ҳамда унинг аъзоларини сайлаш ва уларни ишлаш тартибини белгилаб беради.

2. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикасининг «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунига (матн бўйича «Қонун»), бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ва Жамият уставига мувофиқ ишлаб чиқилган.

3. Тафтиш комиссияси Жамиятнинг органи ҳисобланиб, Жамият, унинг бўлинмалари ва хизматлари, филиаллари ва ваколатхоналари фаолияти устидан ички молия – ҳўжалик ва ҳуқуқий назорат қилиш функцияларини амалга оширади.

4. Тафтиш комиссия ўз фаолиятида давомида Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига, давлат бошқаруви органларининг қонуности ҳужжатларига, Жамият Уставига, мазкур Низомга ва Жамиятнинг бошқа ҳужжатларига амал қилади.

II. ТАФТИШ КОМИССИЯНИНГ ФУНКЦИЯЛАРИ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

5. Жамиятнинг молия – ҳўжалик фаолиятини текшириш (тафтиш ўтказиш) тафтиш комиссиясининг, ягона акциядорнинг, Жамият кузатув кенгашининг ташаббусига кўра ёки Жамият овоз берувчи акцияларининг камида беш фоизига эгалик қилувчи акциядорнинг (акциядорларнинг) талабига кўра Жамият кузатув кенгашини олдиндан хабардор қилиш йўли билан бир йиллик ёки бошқа давр ичидаги фаолият яқунлари бўйича амалга оширилади.

6. Ўз функцияларини бажариш пайтида тафтиш комиссияси қуйидаги турдаги ишларни амалга оширади:

- Жамиятнинг молиявий ҳужжатларини, мол-мулкни инвентарлаш бўйича комиссиянинг ҳулосасини текшириш, кўрсатилган ҳужжатларни бирламчи бухгалтерия ҳисоби маълумотлари билан таққослаш;

- Жамият номидан тузилган шартномалар, амалга оширилган битимлар, контрагентлар билан ҳисоб-китобларнинг қонун ҳужжатларига мувофиқлигини текшириш;

- юритилаётган бухгалтерия ва статистика ҳисобининг мавжуд меъёрий қоидаларига мувофиқлигини таҳлил қилиш;

- Жамиятнинг молиявий ҳолатини, унинг тўловга қобиллигини, активларнинг ликвидлигини, ўз ва қарз маблағлари нисбатини таҳлил қилиш, Жамиятнинг иқтисодий ҳолатини яхшилаш учун захираларни аниқлаш ва Жамият бошқарув органларига молия-ҳўжалик фаолияти масалалари бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш;

- маҳсулот ва хизматлар етказиб берувчилар томонидан тўловлар, бюджетга тўловлар, акциялар бўйича дивидендлар ва иш ҳақи ҳисобланиши ҳамда тўланиши, бошқа мажбуриятлар сўндирилиши ўз вақтида ва тўғри амалга оширилаётганини текшириш;

- солиқ ва статистика органлари, давлат бошқарув органларига топшириладиган Жамият бухгалтерия баланслари, йиллик ҳисобот ва бошқа ҳисобот ҳужжатлари тўғри тузилганлигини текшириш;

- Жамият томонидан қимматли қоғозлар бозори ва акциядорлик жамиятларига оид қонунчилик талабларига риоя қилинишини, шунингдек, Жамиятда йирик битимлар ва аффилланган шахслар билан тузилган битимлар мавжудлигини текшириш;

- тафтиш комиссия ваколатига кирадиган бошқа ишларни, шунингдек, ягона акциядор қарори ва кузатув кенгашининг топшириқларини бажариш.

7. Тафтиш комиссияси қуйидагиларга мажбур:

- а ягона акциядор, кузатув кенгаши, ижроия органи эътиборига амалга оширилган тафтиш ва текширишлар натижаларини жамият бошқарув органлари мажлисларида ҳулосалар, ёзма ҳисоботлар, билдиришномалар, ахборотлар шаклида ўз вақтида етказиш;

- Жамиятнинг йиллик ҳисоботи ва йиллик бухгалтерия балансидаги маълумотлар ишончлилиги бўйича баҳо бериш;

- Жамиятнинг молиявий ҳолатига таъсир этувчи хавф-хатар ва бошқа вазиятлар олдида Жамият молиявий барыарорлигига баҳо бериш;

- Жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятини йил якуни бўйича ёки бошқа давр учун қонунчилик, Жамият устави ва мазкур низомга мувофиқ шахслар ташаббусига кўра тафтиш ўтказиш;

- тижорат сирини сақлаш, ўз функцияларини бажаришлари пайтида тафтиш комиссияси аъзолари конфиденциал маълумотларга эга бўлганда, ушбу маълумотларни ошқора қилмаслик. Агар тафтиш комиссияси ишига эксперт сифатида тафтиш комиссия аъзоси бўлмаган шахслар жалб қилинса, улар тижорат сирини сақлаш лозимлиги ҳақида огохлантирилиши керак. Уларнинг хати- ҳаракатлари бўйича жавобгарлик текширишга жалб қилган тафтиш комиссия аъзоларининг зиммасига юкланади;

- Жамият Бошқарув органлари ва мансабдор шахслари ҳаракатларига оид ва уларга нисбатан тегишли қарор қабул қилиш тўғрисидаги акциядорларнинг шикоятларини ўз вақтида кўриб чиқиш;

- ишлаб чиқариш-хўжалик, молиявий, ҳуқуқий фаолиятда қонунбузарликлар аниқланган ёки Жамият манфаатларига таҳдид пайдо бўлган ҳолатларда Жамият бошқарув органлари қарорлари талаб қилинган тақдирда кузатув кенгаши йиғилишини чақиришни талаб қилиш;

- қонун ҳужжатларига асосан тафтиш комиссияси бошқа мажбуриятларга ҳам эга.

8. Текшириш предмети бўлган барча ҳужжатлар ва материаллар тафтиш комиссия аъзолари томонидан текшириш ўтказилганда синчиклаб ўрганиб чиқилиши лозим. Тафтиш комиссия аъзолари нотўғри хулосалар берганлиги учун жавобгар бўлади, ва ушбу жавобгарлик меъёри ягона акциядор томонидан амалдаги Ўзбекистон Республикаси қонунчилигиги биноан белгиланади.

9. Тафтиш комиссия аъзолари ягона акциядор томонидан қарор қабул қилиш жараёнида қатнашиши ва йиғилиш қатнашчиларининг саволларига ўз ваколат доирасида жавоб беришга мажбур.

III. ТАФТИШ КОМИССИЯСИНING ҲУҚУҚЛАРИ ВА ВАКОЛАТЛАРИ

10. Тафтиш комиссияси ўз функцияларини тегишлича бажариш мақсадида қуйидаги ҳуқуқларга (ваколатларга) эгадир:

- Жамиятнинг ҳар қандай молиявий ҳужжатларини текшириш, шу жумладан жамиятни инвентаризациялаш бўйича комиссия ҳужжатлари ва кўрсатилган ҳужжатларни бирламчи бухгалтерия ҳисоби маълумотлари билан таққослаш;

- Жамиятнинг бошқарув органларидан, унинг бўлинмалари ва хизматларидан, мансабдор шахсларидан, тафтиш комиссия иши учун зарур бўлган ҳужжатларни талаб қилиш ва олиш. Кўрсатилган ҳужжатлар ва материаллар тафтиш комиссиясига унинг ёзма сўровига асосан уч кун ичида тақдим этилиши керак;

- кузатув кенгаши мажлисини чақиришни талаб қилиш. Кузатув кенгаши раиси тафтиш комиссиясининг кузатув кенгаши йиғилишини чақириш бўйича талабини рад этишга ҳақли эмас;

- кузатув кенгашининг ҳар қайси аъзосининг таклифи бўйича кузатув кенгаши мажлисларида қатнашиш;

- Жамиятнинг бошқарув органлари, унинг бўлинмалари ва хизматлари олдида, Жамият томонидан қабул қилинган низомлар, қоидалар ва йўриқномаларни бузган тақдирда Жамият ходимлари, шу жумладан мансабдор шахсларнинг жавобгарлиги тўғрисидаги масалани кўйиш;

- Жамият молиявий ҳисоботларини Халқаро молиявий ҳисобот стандартларига (матнда ХМҲС) мувофиқ тарзда эълон қилишга ўтишни ташкиллаштириш бўйича ишчи

гуруҳи ишида иштирокэтиш;

- Агар қонунчиликда ёки Жамиятнинг ички ҳужжатларида белгиланган бўлса, ўз вазифаларини бажариб турган давр учун мукофот ва (ёки) тафтиш комиссиясининг аъзоси вазифасини бажариш билан боғлиқ харажатларни олиш;

- қонун ҳужжатларига асосан тафтиш комиссияси бошқа ҳуқуқларга (ваколатларга) ҳам эга.

11. Тафтиш комиссия аъзолари:

- аниқланган қонунбузилиш ҳолати бўйича тафтиш комиссиясининг кечиктириб бўлмайдиган қарори талаб этилган тақдирда тафтиш комиссиясини шошилиш мажлисини чақиришга;

- тафтиш комиссия хулосалари бўйича ўз этирозларини ёзма равишда билдириш ва бу ҳақда ягона акциядор эътиборига етказишга ҳақли.

IV. ТАФТИШ КОМИССИЯСИНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ ВА ВАКОЛАТЛАРИ

12. Жамиятнинг молия – хўжалик фаолиятини текшириш бир йиллик фаолият якунлари бўйича амалга оширилади.

13. Жамиятнинг йиллик ҳисоботига киритилган ва йиллик бухгалтерия балансида акс этирилган маълумотлар ҳаққонийлигини тасдиқловчи ёки рад этувчи ҳулоса ҳамда Жамиятнинг молия – хўжалик фаолиятини текшириш (тафтиш ўтказиш) бўйича тафтиш комиссиясини ҳисоботи, Жамиятнинг йиллик ҳисоботи дастлаб тасдиқланиши тўғрисидаги кузатув кенгашининг мажлиси ўтказилиши кунига қадар уч кун олдин тафтиш комиссияси томонидан кузатув кенгашига тақдим этилиши лозим.

14. Жамиятнинг молия – хўжалик фаолиятини режадан ташқари текшириш (тафтиш ўтказиш) қуйидаги ҳолатларда амалга оширилади:

- ягона акциядор қарорига асосан;
- кузатув кенгашининг қарорига асосан.

15. Режадан ташқари текшириш (тафтиш) ўтказиш тўғрисидаги қарор ягона акциядор томонидан қабул қилинади. Тафтиш комиссияси ягона акциядор қарорини олгандан сўнг текширишни бошлайди.

16. Режадан ташқари текшириш (тафтиш) ўтказиш тўғрисидаги қарор кузатув кенгаши томонидан мажлисда қатнашаётган аъзоларининг кўпчилик овози билан, сиртдан овоз бериш ҳолатларида кузатув кенгашининг барча аъзолари томонидан бир овоздан қабул қилинади. Ушбу қарорни қабул қилишга овоз берган барча кузатув кенгашининг аъзолари томонидан қарор имзоланади ва тафтиш комиссия раисига юборилади.

17. Қонунбузарлик ҳолати аниқланган тақдирда тафтиш комиссия аъзоси, тафтиш комиссия қарори талаб этиладиган, аниқланган қонунбузилиш ҳолатини таърифлаган ҳолда ёзма равишда тафтиш комиссия раисига юборади.

Тафтиш комиссия раиси талабномани олгандан сўнг уч иш кунда тафтиш комиссия мажлисини чақириши шарт.

Тафтиш комиссия томонидан текшириш (тафтиш) ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда тафтиш комиссия раиси текшириш (тафтиш) ўтказишни ташкиллаштиради ва уни ўтказишни бошлайди.

18. Режадан ташқари текшириш (тафтиш) ўтказиш тўғрисидаги талабни Жамият акциядорлари томонидан киритиш:

а) Текшириш (тафтиш) ўтказиш бўйича ташаббускор – акциядорлар тафтиш комиссияга қуйидагиларни ўз ичига олган ёзма талабнома юборади:

- акциядорнинг фамилияси исми ва шарфи ёки номи;
- уларга тегишли акциялар ҳақида маълумотлар (сони ва тури);
- ушбу талабноманинг асосланган важи.

Талабнома акциядор ёки унинг вакили томонидан имзоланади. Талабнома вакил томонидан имзоланган ҳолларда вакилнинг ишончномаси илова қилиниши шарт.

Агар ташаббус юридик шахс – акциядор томонидан чиққан бўлса, юридик шахс вакилининг имзоси (юридик шахснинг уставига асосан ишончномасиз ҳаракат қилиш ҳуқуқига эга бўлган вакил) юридик шахснинг мухри билан тасдиқланиши шарт. Агар талабнома юридик шахснинг номидан ишончнома асосида ҳаракат қилаётган вакил томонидан имзоланган бўлса талабномага ишончнома илова қилиниши шарт.

б) Текшириш (тафтиш) ўтказиш талабномаси тафтиш комиссия раиси номига Жамият манзили бўйича почта орқали (топширилганлиги тўғрисидаги тасдиқловчи ҳужжат билан) ёки Жамият девонхонасига топширилади.

Талабнома тақдим қилинган сана уни Жамиятга топширилган санаси ёки Жамият девонхонасига топширилган санаси ҳисобланади.

в) Талабнома тақдим қилинган кундан ўн иш куни ичида Жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятини режадан ташқари текшириш (тафтиш) ўтказиш тўғрисидаги тафтиш комиссиясининг қарори қабул қилиниши ёки тафтиш ўтказилишига рад жавоби берилиши лозим.

г) Текшириш (тафтиш) ўтказилишига рад жавоби қуйидаги ҳолларда берилиши мумкин:

- талабнома тақдим этган шахс Жамият акциядорларининг реестрида рўйхатга олинмаган ёки акциядорнинг (акциядорларнинг) вакили (вакиллари) ваколатига эга бўлмаса;

- текшириш (тафтиш) ўтказилиши тўғрисидаги талабнома асослантилмаган бўлса;

- текшириш (тафтиш) ўтказилишига асос бўлган фактлар бўйича текшириш (тафтиш) ўтказилган ва тафтиш комиссия томонидан ушбу ҳолатлар бўйича хулоса тасдиқланган бўлса;

- талабномада маълумотлар тўлиқ кўрсатилган бўлмаса;

- талабнома Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ёки Жамият уставига зид бўлса.

19. Текшириш предметига тааллуқли барча мавжуд бўлган ва олинган ҳужжатлар ва материаллар тафтиш комиссия томонидан текшириш (тафтиш) ўтказилаётган даврда ўрганилиб чиқилиши лозим.

20. Жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятини текшириш яқунларига кўра жамиятнинг тафтиш комиссияси хулоса тузади, шунингдек, корпоратив бошқарув кодекси тавсияларидан келиб чиққан ҳолда, бу хулосада қуйидагилар акс эттирилиши:

- Жамиятнинг ҳисоботларида ва бошқа молиявий ҳужжатларида кўрсатилган маълумотларнинг ишончилигига доир баҳо;

- бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисоботни тақдим этиш тартиби бузилганлиги, шунингдек молия – хўжалик фаолияти амалга оширилаётганда қонун ҳужжатлари бузилганлиги фактлари тўғрисидаги ахборот кўрсатилиши шарт.

Ушбу хулоса ягона акциядор томонидан кўриб чиқилади.

21. Тафтиш комиссияси томонидан текшириш (тафтиш) ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилингунига қадар Жамиятнинг молия – хўжалик фаолиятини текшириш (тафтиш) ўтказиш бўйича талабнома тақдим қилган шахслар тафтиш комиссиясини ёзма огоҳлантирган ҳолда ўзлари хоҳлаган пайтда талабномасини чақиртириб олишга ҳақли.

22. Тафтиш комиссияси Жамиятда аффилиланган шахслар билан тузилган битимлар ёки йирик битимлар мавжудлиги, шунингдек қонун ҳужжатларининг ва Жамият ички ҳужжатларининг бундай битимларни тузишга доир талабларига риоя қилиниши тўғрисидаги хулосани Жамият кузатув кенгашининг мажлисига олиб чиқади.

V. ТАФТИШ КОМИССИЯСИ АЪЗОЛАРИНИ САЙЛАШ ВА ВАКОЛАТЛАРИНИ МУДДАТИДАН ОЛДИН ТУГАТИШ

23. Тафтиш комиссия аъзолигига номзодлар бўйича таклифлар киритиш, ушбу таклифларни кўриб чиқиш ва улар бўйича кузатув кенгаши томонидан қарорлар қабул қилиш тартиби Ўзбекистон Республикаси «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг

хуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуни ва Жамият Уставига мувофиқ амалга оширилади.

24. Тафтиш комиссияга номзодлар киритиш таклифи бевосита жамият ягона акциядорига оғзаки равишда ёки ёзма равишда билдирилиши мумкин.

25. Тафтиш комиссияси 3 (уч) кишидан иборат бир йил муддатга ягона акциядор томонидан сайланади. Тафтиш комиссиясининг аъзолари бир вақтнинг ўзида жамият кузатув кенгашининг аъзоси бўлиши, шунингдек айна шу Жамиятда меҳнат шартномаси (контракт) бўйича ишлаши мумкин эмас. Айна бир шахс айна бир Жамиятнинг тафтиш комиссияси таркибига кетма-кет уч мартадан ортиқ сайланиши мумкин эмас.

26. Тафтиш комиссияси ўз таркибидан тафтиш комиссиясининг раисини ва котибини сайлайди. Тафтиш комиссиясининг раиси ва котиби тафтиш комиссиясига сайланган шахслар ичидан тафтиш комиссия аъзоларининг кўпчилик овоз билан сайланадилар.

Тафтиш комиссияси ўзи хоҳлаган пайтда раисни ва котибни тафтиш комиссиясининг сайланган аъзоларининг кўпчилик овози билан қайта сайлашга ҳақли, бунда тафтиш комиссияси аъзолигидан чиққан шахснинг овози инобатга олинмайди.

27. Тафтиш комиссиясининг аъзоси ўз хошишига кўра истаган пайтида, тафтиш комиссияда ўз фаолиятини тўхтатиш кунидан бир ой олдин жамият тафтиш комиссияси ва кузатув кенгашини огохлантирган ҳолда тафтиш комиссия такибидан чиқишга ҳақли.

28. Тафтиш комиссия аъзоси ёки барча аъзоларининг ваколатлари ягона акциядор томонидан муддатидан илгари тугатилиши мумкин:

- узрли сабабсиз тафтиш комиссиясининг ишида уч мартадан ортиқ қатнашмаганлиги учун;

- тафтиш комиссияси аъзоси (аъзолари) текшириш давомида барча ҳужжатлар ва материалларни лозим даражада ўрганмаганлиги оқибатида нотўғри хулоса берганлиги учун;

- тафтиш комиссия аъзоларининг бошқа хатти-харакатлари (харакатсизлиги) туфайли Жамиятга салбий оқибатлар олиб келганлиги учун.

29. Тафтиш комиссия аъзоларининг сони Жамият Уставида кўрсатилган миқдорнинг яримидан кам бўлиб қолса Жамият кузатув кенгаши тафтиш комиссиясининг янги таркибини сайлаш учун ягона акциядорга хабар бериши шарт.

Тафтиш комиссиясининг ваколатлари муддатидан илгари тугатилган тақдирда янги сайланган тафтиш комиссия аъзоларининг ваколатлари кейинги ягона акциядорнинг йиллик мажлисида тафтиш комиссияси сайлангунига қадар амал қилади.

30. Ягона акциядор тафтиш комиссия аъзоларининг барчасининг ёки айрим аъзоларининг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш тўғрисида қарор қабул қилса ва бунинг натижасида тафтиш комиссияси аъзоларининг сони Жамият уставида кўрсатилган миқдорнинг яримидан кам бўлиб қолса, ушбу қарорда тафтиш комиссиясини янги таркибини сайлаш масаласи кўриб чиқилиши шарт.

Тафтиш комиссияси аъзолигига номзодлар бўйича таклифларни қонунчилик ва Жамият уставига мувофиқ, Жамият бошқарув органи ва назорат органи аъзолигига номзодларни киритиш ҳуқуқига эга акциядорлар киритади.

VI. ТАФТИШ КОМИССИЯСИНИНГ МАЖЛИСЛАРИ

31. Тафтиш комиссияси ўз мажлисларида барча масалаларни ҳал этади. Тафтиш комиссияси мажлислари тасдиқланган режа бўйича, шунингдек текширув ёки тафтиш бошланиши олдида ва уларнинг натижалари бўйича ўтказилади.

32. Тафтиш комиссия мажлиси агар унда аъзоларнинг камида учдан икки қисми иштирок этса ваколатли деб ҳисобланади. Тафтиш комиссия мажлисларини сиртдан овоз бериш йўли билан ўтказишга йўл қўйилмайди.

33. Тафтиш комиссиясининг ҳар бир аъзоси битта овозга эгадир. Тафтиш комиссиясининг далолатномалари ва хулосалари мажлисда қатнашаётганларнинг оддий

кўпчилик овози билан тасдиқланади. Овозлар тенг бўлганда тафтиш комиссияси раисининг овози ҳал қилувчи ҳисобланади.

34. Тафтиш комиссияси аъзолари комиссия қарорига рози бўлмаганларида мажлис баённомасида алоҳида фикрларини қайд эттиришга ва уларни кузатув кенгаши ва ягона акциядор эътиборига етказишга ҳақлидирлар.

35. Тафтиш комиссия раиси:

- тафтиш комиссия мажлисларини чақиради ва ўтказди;
- тафтиш комиссия ишини ташкиллаштиради;
- кузатув кенгашининг мажлисларида ва ягона акциядор томсонидан қарор қабул қилиш жараёнида тафтиш комиссияси номидан иштирок этади;
- тафтиш комиссияси номидан чиқиш ҳужжатларни имзолайди.

36. Тафтиш комиссияси раиси бўлмаган тақдирда унинг функцияларини мажлисда қатнашаётган аъзоларнинг кўпчилик овоз билан қабул қилинган қарорга мувофиқ тафтиш комиссияси аъзоларидан бири бажаради.

37. Тафтиш комиссиясининг котиби:

- мажлис баённомалари юритилишини ташкиллаштиради;
- тафтиш комиссиясининг далолатномаларини ва хулосаларини олувчиларга етказди.

VII. ТАФТИШ КОМИССИЯСИ АЪЗОЛАРИГА ҲАҚ ТЎЛАШ

38. Тафтиш комиссияси аъзоларига ягона акциядор қарори билан ойлик ҳақ ва жунлари бўйича қўшимча ҳақ тўланиши мумкин.

VIII. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

39. Тафтиш комиссияси аъзоларини керакли маълумотлар билан таъминлашга, шунингдек ягона акциядор ва кузатув кенгаши ўртасидаги алоқага жамият бош ҳисобчиси масъул.

40. Мазкур Низом шартларини бузилишига йўл қўйган шахслар белгиланган тартибда жавобгардир.

41. Агар Ўзбекистон Республикасининг қонунчилик ҳужжатлари ёхуд жамият Уставида мазкур Низомда назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилик ҳужжатлари ва жамият Устави қоидалари қўлланилади.

